

# Феруза Муродова

“Art modern music” халқаро продюсерлик маркази раҳбари

Аёл – ўқитувчи, шифокор, муҳандис, дизайнер... Бугунги кунда қайси соҳага қараманг, унда замон билан ҳамнафас, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган аёлларга кўзимиз тушади. Шундай касб вакиллари борки, улар санъат дунёсида улкан лойиҳаларни амалга оширади, ёш иқтидорли санъаткорлар, хонандалар ва мусиқачиларни қувватлаш баробарида ўз юрти санъати ва маданиятини жаҳон миқёсида кенг тарғиб қилиш имконига эгалар. Бир сўз билан айтганда, улар продюсерлардир.

2010 йилнинг декабрь ойида иш фаолиятини бошлаган “Art modern music” халқаро продюсерлик маркази раҳбари Феруза Муродова эндиликда ушбу соҳанинг малакали мутахассисларидан саналади. Ўзбек санъатини хорижда тарғиб қилиш баҳтига мұяссар Марказ илк марта 2011 йили АҚШдаги ҳамкорлари билан Нью-Йоркнинг энг машҳур “MILLENNIUM”санъат саройида ўзбек эстрадаси юлдузлари иштирокида “Санъатинг дунё кезсин, Ўзбегим” номли концерт дастурини ташкиллаштирди. Қувонарлиси, ўшанда ўзбекистонлик санъаткорлар баробарида бугунги кунда Америкада истиқомат қилаётган ўзбек санъатининг буюк дарғалари – Мұхабbat Шамаева, Изро Малаков, Шавкат Бадалов, Мавлуда Ойнақулова, Тамара Катаева, Жамшид Тўйчиев ва Шавкат Азимовлар саҳнага чиқишиганди. Шунингдек, Манҳеттингдаги давлатимиз консуллик идораси томонидан Конституциямиз қабул қилинганлигининг йигирма йиллигига бағишлиб уюштирилган байрам тадбирида Марказ санъаткорлар билан қатнашди. Нью-Йорқдаги Бруклин ва Куинс ҳамда Нью-Жерси штатида марказ томонидан Янги йил байрами тадбирлари ўтказилди.

Феруза опанинг ташаббуси билан украиналик қўшиқчи София Ротару, россиялик истеъоддли хонанда Нюша, италиялик Лука Вираго ҳамда Мажико Ками, Россия цирк юлдузлари

каби кўплаб хориж санъаткорлари юртимизда

концерт дастурларини на мойиш этишган. Эътиборлиси, Феруза Муродова раҳбарлигига юртимиз санъаткорлари Германия, Франция, Буюк Британия мамлакатлари Наврўз тадбирлари ҳамда

## ҲАҚИҚИЙ МУТАҲАССИС

зиммасидаги масъулиятни  
чукур ҳис эта оладиганидир



Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишилаб ўтказилган тадбирларда иштирок этишган.

Шунча ишларни амалга ошириш учун инсонда куч-қувват, метин ирода, матонат бўлиши баробарида яратган юқтирган иқтидор ҳам бўлиши керак. Бир аёлнинг бошига шунча юмуш оғирлик қилмасмикан, дея ўйлаб қоласан киши. Ҳа, Аллоҳ Феруза опага истеъоддога қўшиб, улкан қалб, меҳридарёлик ва чиройли сабр каби хислатлар билан сийлаган. Машақатли ва масъулиятли касбни танлаган мутахассис, ўзи айтганидек, продюсер ўз касбини севса йўлида учрайдиган ҳар қандай қийинчиликка чидайди ва кўникади. Касбини севган продюсер бойликининг орқасидан қувмайди. Атрофидагиларга эътиборли, саховатли бўлади. Ҳикоямиз қаҳрамони ҳам қўлига бироз маблағ тушса, дарров иқтидорли ёш санъаткорни қўллаб-қувватлаш, хайрия ёрдамлари, тадбирлар ташкил этиш, саховат ишларини амалга оширишга шошилади. Опа учун уюштирган концертлардан хузур-ҳаловат ва олқиш олса, шунинг ўзи етади. Бахт ва омаднинг формуласи ҳам ана шунда, дейди у.

Кўп йиллардан бери Америка Кўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳрида фаолит юритиб келаётган "Мақом" ансамбли миллый ўзбек санъатини дунё бўйича тарғиб қилиб келаётганини ҳамюртларимиз яхши билишади. Сабаби, қарийб йигирма беш йил ҳалқимизнинг минг йиллар давомида шаклланиб келган миллый санъатини Европа, Шарқий Осиё ва Америка қитъаси давлатларида тарғиб қилиб келаётган ушбу ансамблда юртимизда туғилиб камолга етган ва ўзбек мумтоз ва миллый эстрадасида шуҳрат қозонган Мұхаббат Шамаева ҳамда гуруҳ раҳбари Изро Малаковларнинг ижодларини ҳалқимиз қадрлашади. Ўтган йили "Мақом" ансамбли томонидан мустақиллик байрами арафасида юртимиз бўйлаб гастрол уюштирилишида Феруза Муродова ташкилотчилардан бири сифатида қатнашди. Ташкилот-

чилар узоқ йиллардан бери соғинган санъаткорлари билан дийдорлашиб баҳонасида уларнинг бетакрор қўшиқларини жонли ижрода эшлиш имкониятини яратгани учун яна бир бор ҳалқимиз эътиборини қозонишиди.

"Art modern music" ҳалқаро продюсерлик марказининг фарқли жиҳати, Феруза опа доимо одамларнинг бугунги истак-ҳоҳишларидан келиб чиқиб, эл суйган, ҳақиқий санъаткорларни намойиш қилиш тарафида бўлади. Ташаббускор раҳбар ҳар доим янгиликлар яратиш пайида. Уч йил аввал марказ томонидан "Афсонавий Ретро" деб номланган концерт дастурини ташкиллаштириди. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур тадбирда "Учқудук", "Оригинал", "Болалар" гурӯҳлари репертуаридаги 20-30 йил илгари яратилган машҳур қўшиқларини ижро этишди. Таниқли "Ля Буш" гурӯҳининг концерт меҳмони сифатида саҳнага чиқиши муҳлисларга кутилмаган тухфа бўлганди. Ўша куни ҳалқ асл санъаткорлар билан бирга кўйлашиб, бирга рақсга тушиди. Юксак даражада ташкиллаштирилган концерт дастури санъат шинавандалари қалбида узоқ йиллар сақланиб қолиши, шубҳасиз.

Ўзбекистон – улкан имкониятлар мамлакати. Юртимизда ижод қилиш учун барча имкониятлар муҳайё. Излаган имкон топади, деганларидек Феруза Муродова навбатдаги концерт дастурлари ҳақида бош қотиряпти. Ҳалқнинг олқишига сазовор бўлишлик продюсердан тинимсиз изланишлару баъзан кечаларни қурбон қилишлик масъулиятидир. Феруза опа, ўзи таъкидлаганидек, ҳақиқий мутахассис зиммасидағи масъулиятни ҳис эта оладиганидир. Ана шу масъулиятни чуқур ҳис қилган қаҳрамонимизнинг ишида унум ва барака бисёр. "Art modern music" ҳалқаро продюсерлик маркази узоқ йиллар ҳалқимизга хизмат қилишига ишонамиз.

**Н.ҚИДИРАЛИЕВ тайёрлади.**